

УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЛИСОНИЙ ТАБИАТИ

Ваҳобжон Болтабоевич АМАНОВ

Ходим

Халқаро алоқалар бўлими

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

ЯЗЫКОВАЯ ПРИРОДА ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ

Ваҳобжон Болтабоевич АМАНОВ

Инспектор

Отдел международных связей

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

LINGUISTIC NATURE OF UNIVERSAL HUMAN VALUES

Vahobjon Boltaboevich AMANOV

Inspector

International Relations Department

Uzbekistan State World Language University

Tashkent, Uzbekistan vahob_1001@mail.ru

UDC (УЎК, УДК): 81'27

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): Аманов В.Б. Умуминсоний қадриятларнинг лисоний табиати // Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 6 (41). — Б. 85-103.

<https://doi.org/10.36078/1643727276>

Received: October 25, 2021

Accepted: December 17, 2021

Published: December 20, 2021

Copyright ©2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Аннотация. Мазкур мақолада испан ва ўзбек тилларидаги *valores de la humanidad* — умуминсоний қадриятларнинг лингвомаданий хусусиятлари қиёсий аспектда ўрганилган. Хусусан, умуминсоний қадриятлар лингвистик табиати аксиологик дунёқарашнинг лисоний олам тасвири таркибий қисми сифатида тадқиқ этилган. Жумладан, испан ва ўзбек лисоний манзараларида *valores de la humanidad* — умуминсоний қадриятлар тизимининг лингвистик ва онтологик мезонларини илмий-назарий асослаш, экспериментал метод орқали тил вакиллари лисоний онгида умуминсоний қадриятларнинг намоён бўлиш хусусиятларини аниқлаш тадқиқот вазифасига қиради. Таҳлиллар натижасида умуминсоний қадриятлар концепциясининг асосий тамойилларини қуйидагича белгилаш мумкин: қадриятларнинг умумий сони кўп эмас; барча инсонлар жамият аъзоси сифатида бир хил қадриятларга эга, лекин уларнинг намоён бўлиши даражаси турлича; қадриятлар бир тизимга уюшган. Испан ва ўзбек миллатининг аксиологик онгида умуминсоний қадриятлар тизимини аниқлаш мақсадида ўтказилган ассоциатив эксперимент натижаларини умумлаштириб, натижаларнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичига кўра, умуминсоний қадриятлар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар аниқланди. Оила, ватан, меҳнат, бағрикенглик, дўстлик, меҳмондўстлик тушунчалари ҳар икки миллат учун олий қадрият сифатида талқин қилиниши кузатилди. Испан респондентлари томонидан *вақт*, *мусиқа*, *бирдамлик*, *табассум*, *таълим*, *карьер*, *жонивор*, *садоқат*, *севги*, *қонун* каби ассоциативлар, ўзбек респондентлари томонидан *никоҳ*,

савоб, дуо, сабр, номус, садақа, маҳалла, қўйинчилик, дин, меҳнат каби ассоциативларнинг қўлланилиши икки тил доирасида умуминсоний қадриятлар концептуал майдонининг фарқли жиҳатларини кўрсатди. Ўтказилган ассоциатив эксперимент натижалари ва фактик материаллар таҳлили асосида испан миллатига хос бўлган гедонистик характернинг вақт билан боғлиқ ҳолда лисоний олам тасвирида ўзига хос тарзда ифодаланиши мисоллар орқали асосланди.

Калит сўзлар: умуминсоний қадриятлар; ассоциатив эксперимент; тил ва маданият; лингвомаданият; аксиологик дунёқараш.

Аннотация. В статье в испанском и узбекском языках в сопоставительном аспекте изучены языковые и культурологические особенности общечеловеческих ценностей, в частности языковая природа общечеловеческих ценностей как неотъемлемая часть аксиологического мировоззрения человека. В исследовании изучается языковая природа общечеловеческих ценностей, в частности аксиологическая картина мира как часть языковой картины мира. Задачей исследования является научно-теоретическое обоснование лингво-онтологических критериев системы человеческих ценностей в испанском и узбекском языковых ландшафтах, определение особенностей проявления общечеловеческих ценностей в языковом сознании лингвистов. В результате анализа основные принципы концепции общечеловеческих ценностей можно определить следующим образом: общее количество ценностей невелико; все люди имеют одинаковые ценности как члены общества, но степень их проявления различна; ценности организованы в систему. В результате проведенного ассоциативного эксперимента по определению системы общечеловеческих ценностей в аксиологическом сознании испанского и узбекского народов были выявлены сходства и различия между общечеловеческими ценностями по количественным и качественным показателям. Отмечено, что понятия *семьи, Родины, труда, толерантности, дружбы, гостеприимства* трактуются как высшие ценности для обоих народов. Такие ассоциации, как *время, музыка, солидарность, улыбка, образование, карьера, животное, верность, любовь, закон* испанских респондентов, использование узбекскими респондентами таких ассоциаций, как *брак, таваб, дуэт, терпение, честь, благотворительность, соседство, соседство, религия, труд* показали разные аспекты понятийного поля общечеловеческих ценностей в рамках двух языков. По результатам ассоциативного эксперимента и анализа фактического материала на примерах обосновано, что гедонистический характер испанской нации однозначно выражается в образе языкового мира по отношению ко времени.

Ключевые слова: общечеловеческие ценности; ассоциативный эксперимент; язык и культура; лингвокультура; аксиологический горизонт.

Abstract. The article studies the linguistic and cultural features of universal human values/ valores de la humanidad in the Spanish and Uzbek languages as an integral part of the axiological aspect of the linguistic worldview. The task of the research is to scientifically and theoretically substantiate the linguistic and ontological criteria of the system of universal human values/valores de la humanidad in the Spanish and Uzbek linguistic landscapes, to determine the features of the manifestation of universal human values in the linguistic world picture of different languages. As a result of the analysis, the basic principles of the concept of universal human values can be defined as follows: the total number of values is not large; all people have the same values as members of society, but their degree of manifestation is different; values are organized into a system. Summarizing the results of the associative experiment conducted to determine the system of universal values in the axiological consciousness of the Spanish and Uzbek people, the similarities and differences between universal human values in terms of quantitative and qualitative indicators of the results were identified. It was observed that the concepts of family, homeland, labor, tolerance, friendship, hospitality are interpreted as the higher values for both nations. Associatives such as time, music, solidarity, smile, education, career, animal, loyalty, love, law by Spanish respondents, and the use of associatives by Uzbek respondents such as marriage, dua, patience, honor, charity, neighborhood, religion, labor showed different aspects of the conceptual field of universal human values within two languages. Based on the results of the associative experiment and the analysis of factual materials, it was substantiated that the hedonistic character of the Spanish nation is uniquely expressed in the linguistic world picture in relation to the category of time.

Keywords: universal values; associative experiment; language and culture; linguoculture; axiological horizon.

Кириш. Жаҳон тилшунослигида тил ва маданият, умуминсоний кадриятлар ва лисоний олам тасвирига оид илмий-назарий қарашларни умумлаштириш масаласига алоҳида диққат қаратилмоқда. Кадриятлар муаммоси нафақат фалсафий балки лисоний билимлар ривожидавомида қайта-қайта мурожаат қилиб туриладиган мавзулардан бирига айланди. Бу мавзу, айниқса, тарихда туб бурилишлар рўй бераётган, жамият ривожланиб бир босқичдан бошқасига ўтаётган, ижтимоий-сиёсий тартиблар, кишилар кўникиб қолган мезонлар ўзгариб бораётган даврларда ниҳоятда долзарб муаммога айланади. Бундай даврларда жамият аъзоларининг кадриятларга муносабати, қараш ва тасаввурлари лисоний олам тасвирининг ўзига хос шаклланиб боришига таъсир қилади.

Умуминсоний кадриятларни тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этиш дунё тилшунослиги, хусусан, антропоцентрик парадигмада олиб борилаётган изланишларнинг таркибий қисмига айланди. Зеро, айнан тил умуминсоний кадриятлар ва ижтимоий муносабатларнинг шаклланишида асосий мезон сифатида хизмат қилади. Бу эса ижтимоий-маданий жиҳатдан бир-биридан фарқ қиладиган турли

системадаги тилларда “умуминсоний қадриятлар” тизимининг тил ва маданият тушунчаларини яхлит тадқиқ этишнинг назарий асосларини белгилаб берди.

Кишилар ҳаётида муҳим аҳамият касб этган умуминсоний қадриятлар нафақат турли халқларнинг ҳаёт мазмунини чуқурроқ тушуниш, жамият қонун-қоидаларидан фойдаланиш, ўзларининг хатти-ҳаракатларини ана шу маънавий мезонлар талабига мослаштириш имконини беради, балки одамлар интиладиган идеал, азалий орзу, эзгу мақсад сари яшашнинг умумбашарий мезонларини белгилайди.

Асосий қисм. *Қадрият* тушунчаси: “Воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий -ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланилиб, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарсалар, масалан, эркинлик, тинчлик, адолат, маърифат, ҳақиқат, яхшилик, моддий ва маънавий бойликлар ва бошқаларни ифодалайди» (20, 218). Қадрият тушунчасининг пайдо бўлиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ушбу тушунчанинг шаклланишига оид ҳақиқат омили ва қадриятнинг ўзаро муносабатига оид мунозараларни кузатиш мумкин. Қадриятлар муаммоси Ғарб фалсафасида антик даврдан буён муҳим масала сифатида кўрилган ва бу борада турли назариялар илгари сурилган. Афлотун қадрият ва унга оид тасаввурни — воқеликка нисбатан ҳақиқат ва қадриятга асосланган ёндашувни ижтимоий ҳаётнинг фундаментал асослари сифатида ўрганади. Зеро, ҳақиқат ва қадрият ўртасидаги умумийлик ушбу категорияларнинг ҳар қандай инсоний фаолиятга мансублигига асосланган (16, 45).

Буюк мутафаккирлардан бири Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг ал-Маъмун, “Байтул ҳикма”да илгари сурган ғояларида ҳам қадриятларнинг умуминсоний жиҳатлари изоҳланган (6, 6).

Абдулла Авлонийнинг (1878–1937) “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асарида ўзига хос маънавий қадриятлар тизими таърифланган, жумладан, *матонат, ғайрат, риёзат, шижоат, қаноат, илм, сабр, интизом, виждон, ватанни севмоқ, ҳаққоният, иффат, ҳаё, идрок, зако, лафз, иқтисод, виқор, итоат, садоқат, адолат, муҳаббат, авф* каби қадриятлар — “яхши хулқлар” умумий номи остида таҳлил қилинган. “Ёмон хулқлар”га эса *газаб, жаҳолат, разолат, адоват, гийбат, ҳақорат, ҳасад, зулм* каби хусусиятлар киритилган.

О. Умурзоқов умуминсоний қадриятларни фақат моддий ва маънавий бойликлар сифатида тушунишни ҳам мақсадга мувофиқ, деб бўлмаслигини таъкидлаб, муайян миллий, синфий ёки бошқа хусусий қадриятлар тизими умуминсоний қадриятлар тизимининг ўрнини боса олмайди деган хулосага келади. Олимнинг фикрича: “Умуминсоний қадриятлар ва уларнинг намоён бўлиш шакллари таҳлил қилиш, аслида бу қадриятлардан иборат таркибий қисмлари бир-бири билан диалектик тарзда боғланган умумий тизимни, унинг асосий жисмлари ўртасидаги муносабатларни танқид қилишдир” (15).

Д. Бахронованинг фикрича, аксиологик ёндашув лингвокултурологияда алоҳида ўрин тутуди, чунки маданият инсон фаолияти дастурини ташкил этган қадриятлар тизими ҳисобланади ва у тилда ўз ифодасини топади. Шу нуқтаи назардан, лингвокултурология — миллий-маданий қадрият ва унинг вужудга келиш механизмлари тўғрисидаги билимлар тизимининг тилда акс

этишидир. Қадриятлар инсоний хатти-ҳаракатларга мазмун бағишлайди (3, 138).

Э. Юсупов эса “Умуминсоний қадриятлар жамият тараққиётининг муайян даврида яшаётган кишилар учун умумий бўлган қадриятлар тизимини ҳосил қилади, бошқа қадриятлар билан узлуксиз алоқада, зарурий боғланишда намоён бўлади” деб таъкидлайди (19, 53).


М. Бекмуродовнинг фикрига кўра, “миллат ўзининг қадриятларини вужудга келтириб, уларнинг янги-янги қирраларини ва жиҳатларини сайқаллаштириб, тараққиёт жараёнида тамокиллаштириб, ўз қадриятларининг ҳақиқий эгаси, макон ва замондаги илгарилама ҳаракатдан иборат ўзгаришлар жараёнида уларни ўтмишдан келажак томон етказиб борадиган энг асосий объектдир” (4, 10).

Демак, умуминсоний қадриятлар ниҳоятда кенг кўламли ва серкирра тушунча бўлиб, у *озодлик, эркинлик, тинчлик, бахт саодат, оила, муҳаббат...* каби ижтимоий маъно-мазмун кашф этадиган қадриятлардан иборат. Бизнингча, миллий қадриятлар тизимининг, нисбатан барқарор ҳолатида, куйидаги асосларини ажратиш мумкин:

- 1) миллатнинг генофонди;
- 2) миллат тарихи;
- 3) моддий ва маданий бойлиги, иқтисодий ва ижтимоий шароити;
- 4) урф-одатлар. Менталитет;
- 5) тил, дин ва таълим.

Умуминсоний қадриятлар категориясининг лингвистик мазмунини ўрганиш учун, аввало, умуминсоний қадриятлар тушунчасининг концептуал таҳлилини ўтказиш лозим.

1- жадвал. Умумбашарий қадриятларни шакллантирувчи омиллар



Умуминсоний қадриятларнинг лингвистик аспектда тадқиқи, аввало, умуминсонийлик лисоний категориясини тадқиқ этишни тақазо этади.

Энг асосий миллий қадриятлардан бири — миллат учун умумий муомала воситаси бўлган миллий тилдир.

Тилни ўрганишнинг антропологик тамойили когнитив, фаолиятга оид, маърифий ва тушунтиришга асосланган ёндашувлар билан боғлиқ ва доимо тадқиқотларда биринчи ўринга инсон ва унинг

тили ўртасидаги боғлиқликка оид муаммоларни чиқаради. Тил ва инсоннинг ҳулки, тил ва инсон қадриятлари шулар жумласидандир (18, 2–35).

Тилнинг антропоцентрик хусусияти бир қатор категорияларда намоён бўлади: темпораллик, дейксис, модаллик ва бошқалар шулар жумласидандир. Шу каби категорияларга субъективлик ҳам киради.

Ш. Баллининг фикрича, инсоннинг фикрлаш фаолияти тасаввурга муносабатни билдиради, бунда «тасаввурнинг борлиги қайд этилиб, уни баҳолаш ёки баҳолашга интилиш рўй беради. <...> фикрлаш — нарсанинг бор ёки йўқлиги ҳақида мулоҳаза юритиш демакдир, ёки унинг бўлиши мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини билдириш ёхуд ниҳоят бўлиши ёки бўлмаслиги борасида истак билдиришдан иборат» (5, 43–44).

Демак, умуминсоний қадриятларнинг миқдори ва мазмуни ҳақидаги тасаввурга эга бўлган ҳолда биз маълум бир этноснинг ижтимоий-ҳаётий мақсадлари тизими, моддий ва маънавий меъёрлари ҳақида хулоса чиқаришимиз мумкин.

Қадриятларни тадқиқ қилиш ҳозирги пайтда хорижий ва маҳаллий илм фанда долзарб ва муҳим йўналиш ҳисобланади. Жамиятда устунлик қиладиган қадриятлар, бу — маданиятнинг бош элементи, шахсларнинг устувор қадриятлари ҳулқнинг асосий мақсадларида амалга ошади. Ўзгарувчан экологик ва ижтимоий сиёсий шароитларда кундалик ҳаёт тажрибаси қадриятларга бевосита таъсир кўрсатади. Шу тариқа, қадриятлар тарихий ва ижтимоий ўзгаришларга жавобан маданият ва шахсда содир бўлаётган ўзгаришлар таҳлили борасида муҳим маълумот манбаи ҳисобланади.

Ушбу лексеманинг кўп маънолилиги унинг синонимик қатори билан ҳам тасдиқланади: муҳим аҳамиятга эгалик, кадр-қиммат, қиймат, нарх, ва бошқалар. Қадриятнинг муҳим аҳамиятга эгалик ва нарх сифатидаги кўриниши испан тили изоҳли луғатларида ҳам белгилаб қўйилган: *valor* — 1) *importancia, interés; principios morales o de otro tipo por los que se guía el comportamiento de una persona o un grupo* (синоним *trascendencia*); 2) *buenas cualidades por las que algo es apreciado dinero* (синонимлар *valía, precio, importe*).

Ўзбек ва испан лингвомаданияти соҳибларининг қадриятларни тушунишдаги муштаракликка “уйғунлик майдонлари” ҳам ишора қилади:

Сўнгги пайтларда тил материаллари асосида қадриятларни тадқиқ қилишга бағишланган кўплаб ишлар пайдо бўлди, масалан: *саломатлик, қонун, эркинлик, меҳр, дўстлик, гўзаллик* ва бошқалар. Жумладан, қадриятларни муайян дискурсда тадқиқ қилувчи ишлар ҳам пайдо бўлди, публицистик дискурс, реклама дискурси ва бошқалар (14, 90).

Лингвокультурологияда қадриятларнинг тилда акс этиши тил ва маданиятнинг ўзаро таъсирига оид жиҳатлардан бири сифатида ўрганилади, бунда қадрият ва маданият бир қанча ҳолатларда шунчаки — ўзаро боғлиқ бўлиб қолмай, балки бир-бирининг ўрнини ҳам босиши мумкин.

В. Маслова бу ҳақда шундай ёзади: “Маданият, бу — инсон томонидан шакллантириладиган мутлақ қадриятлар мажмуи, инсоний муносабатларнинг предметлар, амаллар, сўзларда акс этиши, одамлар уларга аҳамият берадилар, яъни, қадриятлар тизими, бу — маданиятнинг энг муҳим кирраларидан бири” (13). Тақдим этилган

ижтимоий қадриятлар рўйхати нуктаи назаридан *тил* ижтимоий маданият артефакти сифатида кўриб чиқилади, чунки у ижтимоий бошқарув ролини ўйнайди ва ижтимоий ўзаро таъсирни таъминлайди. Унда ахборот пайдо бўлади, сақланади ва етказилади. Санаб ўтилган барча ижтимоий қадриятларни “хаётий сценарий”нинг таркибий қисмлари сифатида кўриш мумкин, чунки у ижтимоий мақсадларга йўналтирилган ва ижтимоий хулқ ва меъёрларни белгилайди.

Демак, айтиш мумкинки, бугунги кунда тилшуносликда умуминсоний қадриятларни лисоний олам тасвиридаги тадқиқот объекти сифатида ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар бир халқ ўзига хос хусусиятларга, бетақроп табиати, тарихига эга. Ҳар бир халқда ўзига хос ҳуқуқ ва адолат ҳисси бор, ўзига хос феъли, ўзига хос интизоми, маънавий идеал ҳақидаги ўзгача тасавури, оилавий тузуми, ибодат тарзи, орзу-умиди бор. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир халқ ўзига хос умуминсоний қадриятларга эга.

Ҳар бир тил олам манзарасини қабул қилиш, яъни қадриятларни дунёнинг лисоний манзарасида намоён этиш усулини ўзида акс эттиради. Дунёнинг лисоний манзараси — замонавий тилшуносликнинг калит тушунчаларидан бири ҳисобланади.

О. Корниловга кўра, “миллатнинг дунёнинг лисоний манзараси, бу — миллий маданият, миллий менталитет билан танишишнинг зарур шarti, бироқ унинг ўзи етарли эмас. У албатта миллий маданиятнинг бутун элементлари мажмуасини ўрганиш билан тўлдирилиши лозим: тарих, фольклор, шеърят, тасвирий санъат ва кўплаб бошқа омиллар, шунингдек, мамлакатларнинг физикавий географияси ҳам шулар жумласидан” (9, 82).

Шубҳасиз, фикрлаш тарзи, руҳият ва миллий маданиятнинг ўзига хослиги миллий тил тасвирида ва унинг соҳиблари нутқида намоён бўлади. Айни пайтда, яна айтиш мумкинки, бир тил битта эмас, бир нечта миллатга хизмат қилса (испан, инглиз, француз ва бошқа тиллар каби), турли мамлакатларда яшовчи бир тил соҳибларининг дунёни кўриши турлича бўлади (1, 56).

Тил халқнинг маънавий ўзига хослиги ва психологиясининг шаклланишига муайян даражада таъсир қилади. Шу боис, муайян халқ характери қисман лисоний тузилма ва бирликларни ўрганиш орқали тушуниш мумкин. Испанлар ҳақида сўз юритилганда, кўпгина хорижий мутахассислар “*ўзига хос испанча турмуш тарзи*”, “*умумиспан бетақроплиги*”, “*ноёб испанча дунё*” ҳақида сўз юритадилар. Испан жамоавий онгининг муҳим хусусиятлари орасида уларнинг ўтмиш олдидаги эҳтироми қайд этилади: ҳозирги пайтда содир бўлаётган муҳим воқеалар деярли ҳар доим ўтмишдан келиб чиқиб талқин қилинади. Испан феъли негизида индивидуализм, эмоционаллик ва мулоқотга киришимлилик мужассам. Испания аҳолиси миллий характерининг бошқа анъанавий хусусиятларига, уларнинг психологик ва маданий жиҳатларига бекорчилик, хушчақчақлик, ҳиссиётлар ифодаси, экстравертлик, жиззакилик кабилар киритиладики, улар испанча миллий-маданий дунёқарашнинг энг асосий ва сирли концептларидан ҳисобланади.

Испан файласуфи ва ёзувчиси Хосе Ортега-и-Гассет испанияликларнинг ўз ҳаётини доимий мулоқотсиз тасаввур қила

олмасликлари, доимо ёрдамга келишга тайёр эканликларига ишора қилади (6, 305).

Ўзбек лисоний жамиятининг асосий кадриятлари сифатида *ватанга муҳаббат, меҳнаткашлик, ўзаро ёрдам, катталарга ҳурмат, бағрикенглик, меҳмондўстлик* кабилар ажратиб кўрсатилади. Мазкур аксиологик устувор йўналишлар миллий характернинг қуйидаги хусусиятларини белгилайди: *тинчликсеварлик, мўмин-қобиллик, бағрикенглик, келишиши ва муроса қилишига мойиллик* ва бошқалар.

Тадқиқот-мақолада асосий ижтимоий кадриятларни, яъни *Ватан, оила, давлат, меҳнат, фуқаролик ҳисси, бағрикенглик, ватанпарварлик, эрксеварлик, миллий қадр-қиммат ҳисси, ҳайрихоҳлик, бирдамлик, дўстлик, муҳаббат, табиат* каби кадриятлар тизимининг испан ва ўзбек тилларида намоён бўлиши киёслаб ўрганилди.

Таҳлил. Умуминсоний кадриятлар ҳам ўзбек, ҳам испан матбуотида кенг муҳокама қилинади, улар таълим-тарбия муаммоларига, мамлакатлар сиёсати, уларнинг истиқболига бағишланган мунозараларнинг асосий мавзуси ҳисобланади.

Ассоциатив эксперимент психологиядан илмий тадқиқот методи сифатида когнитив лингвистикага кириб келган ва у “тилни лисоний маълумотни кодлаш ва ўзгартиришда муҳим аҳамият касб этадиган билиш механизми сифатида тадқиқ этади” (9, 53–55). Яъни, тил материалида у инсон онгида дунёнинг ақлий тасаввурларини ўрганади. Е. Тарасовнинг фикрича, лингвистик воситалар ёрдамида акс этувчи ифодавийликнинг умумий тарафи лисоний онгдир (17). Шу ўринда, юқоридаги лисоний онгни чуқур англаши учун, ҳар қандай тадқиқотчига қўл келадиган метод, бу — ассоциатив экспериментдир. С. Архипова ассоциатив эксперимент методини “оламнинг лисоний кўринишини ўзида акс эттирувчи миллий-маданий ўзига хос томонларни аниқлашнинг энг қулай йўли” (2, 6–9) деб таърифлаган. И. Кавинкина (8, 89) ассоциатив экспериментнинг икки хил тури мавжудлигини таъкидлаган:

1. Эркин ассоциатив метод, бунда эксперимент иштирокчиларидан берилган тушунча ва концептларга оид хаёлига биринчи келган фикрни (сўзни) ёзиш сўралади. Бир сўз билан айтганда, чеклов қўйилмайди.

2. Махсус (йўналтирилган) ассоциатив метод, бунда тадқиқотчи эксперимент қатнашчиларига қўшимча кўрсатмалар бериш орқали улардан ўз тадқиқоти доирасидаги лингвистик бирликларни беришни сўрайди. Масалан, *фақатгина мақоллар ёрдамида жавоб беринг* каби кўрсатмалар берилиши мумкин.

Миллий маданиятнинг бир бўлаги бўлиб инсон онгининг таркибий қисми сифатида қаралган, қадимги даврлардан буён кишига ҳамроҳлик қилиб келаётган ҳамда ўзи хос билим ва тажрибани ўзида мужассам этган умуминсоний кадриятлар турли хил маданиятларни ўрганишда муҳим ўрин тутаяди. Маданиятлараро алоқалар тобора кенгайиб бораётган глобаллашув шароитида умуминсоний кадриятларни ўрганиш ханузгача долзарблигича қолмоқда.

Умуминсоний кадриятлар ҳар қандай миллий тилда энг кўп қўлланиладиган концептлардан бири ҳисобланади.

Кадриятлар биз учун муҳим нарсаларни белгилаб қолмай, дунёни баҳолаш негизида мужассам бўлган омилларни ҳам

англатади, бу эса инсон табиатининг инсоний фазилатларига тенглаштиришни тақозо этади. Асосий қадриятлар тизимини қуйидагича системага солиш мумкин.

1.1-жадвал.

АСОСИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Оила	Ота - она	Барқарорлик	Дин
Маънавият	Билим	Инсоф	Имон
Хавфсизлик	Бахт	Ҳурмат	Илм
Фаровонлик	Меҳр	Ҳалоллик	Ақл-идрок
Бойлик	Ижод	Мустақиллик (тобе бўлмаслик)	Молиявий барқарорлик
Садоқат	Интеллект	Мардлик	Гўзаллик
Орасталик, озодалик	Шукроналик	Ўзаро ёрдам	Тўғрилиқ
Уйғунлик	Сахийлик	Севги, муҳаббат	Раҳм-шафқат
Диёнат	Умид	Адолат	Эркинлик
Сармоя	Фарзандлар	Хотиржамлик	Савоб
Урф-одат	Озодлик	Меҳрибонлик	Ишонч
Самиймийлик	Завқланиш	Саломатлик	Эътиқод
Дўстлик	Таълим	Жасорат	Бағрикенглик
Ғамхўрлик	Билим	Тартиб-интизом	Ҳурмат

Қадриятларни ўрганиш ва ўлчаш турли аспектларда, жумладан, индивидуал ва жамоавий даражаларда олиб борилиши мумкин. Қадриятларнинг индивидуал даражада тадқиқ қилишда, асосан, М. Рокич тадқиқотларига асосланилади (21, 75). М. Рокич психологияда қадриятларга бўлган қизиқишни рағбатлантиради ҳамда уларни ўлчашнинг қулай усулини таклиф этади ва қадриятларни ҳаётни бошқарувчи муҳим омил эканлигини таъкидлайди (21, 73–87).

М. Рокичга мансуб умуминсоний қадриятлар концепциясининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- қадриятларнинг умумий сони кўп эмас;
- барча инсонлар бир хил қадриятларга эга, лекин бир хил қадриятлар одамлар учун турлича “вазнга” эга;
- қадриятлар бир тизимга уюшган;
- инсоний қадриятлар илдизлари маданият, жамият, ижтимоий институтлар ва инсон шахсида кузатилади;
- қадриятларнинг таъсири деярли барча ижтимоий феноменларда кузатилади (21, 56).

Замонавий тилшунослиқда лисоний онг ва ментал луғат ядросига оид муаммоларни кўриб чиқиш зарурияти этнос қадриятлари ва аксилқадриятларнинг вербаллашуви билан изоҳланади ва улардан маданиятнинг базавий концептларини тадқиқ қилишда ахборот манбаи сифатида фойдаланиш мумкин.

Қадриятлар тушунчаси Т. Мишина томонидан таклиф этилган *менталлик* тушунчаси билан бевосита боғлиқ: “Менталлик, бу — дунёни тушуниш тизими бўлиб, у мураккаб феномен ва тасаввурлар, образлар, қадриятлар, ҳуқ стереотиплари, дунё ва инсоний муносабатлар ҳақидаги билимлардан иборат” (12, 210-213). Демак, менталитет деганда тил орқали дунёнинг лисоний манзарасида

мустаҳкамланадиган оламни англашни тушуниш мумкин. Ҳар қандай лингвомаданий ҳамжамиятнинг менталитети кўп жиҳатдан унинг дунё манзараси билан асосланган ва унда унинг аъзоларига хос дунёни кўриш ва таниш имконияти мавжуд.

Бизнинг фикримизча, бу таъриф *менталлик* сўзининг замонавий маъноси ва унинг когнитив белгиларига мос.

Умуминсоний қадриятлар ҳам ўзбек, ҳам испан матбуотида кенг муҳокама қилинади, улар таълим-тарбия муаммоларига, мамлакатлар миссияси, уларнинг келажагига бағишланган мунозараларнинг асосий мавзуси ҳисобланади. Шу ўринда кадрлилик қиймат сифатида ҳам иқтисодий дискурда фаол қўлланилади.

Тил ва маданият соҳибларининг лисоний онгига бевосита мурожаат қилиш орқали умуминсоний қадриятларни аниқлаш, уларни талқин қилиш, у ёки бу жамиятнинг қабул қилинган маданий кўрсаткичларини белгилаш имконини беради.

Ўзбек ва испан лингвомаданиятларида нима кадрли, жамиятларимиз турмуш тарзи негизида қандай қадриятлар тизими мужассам, нима эъзозланади, инсонлар қандай фазилатларга эга, умуман, умуминсоний қадриятларни икки халқ қандай тушунади каби саволлар асосида сўровнома ўтказилди.

Ассоциатив экспериментнинг лисоний маълумотни кодлаш ва ўзгартиришдаги муҳим аҳамиятини эътиборга олган ҳолда, *умуминсоний қадриятлар* концептининг испан ва ўзбек тиллари вакиллари лисоний оламида қандай тасвирланишини аниқлаш мақсадида Испаниянинг Вальядолид шаҳрида эмпирик тадқиқот ўтказилди.

Испан ва ўзбек миллатлари орасида ўтказилган экспериментда 200дан ортиқ респондент қатнашди. Иштирокчиларни турли ёш (19 ёшдан — 69 ёшгача) ва ижтимоий мақомдаги кишилар ташкил этди, улар шартли равишда уч ёш тоифасига бўлинди — талабалар ва ёшлар, ҳар хил касб эгалари ва пенсия ёшидаги кишилар.

С. Архипова ассоциатив эксперимент методини “оламнинг лисоний кўринишини ўзида акс эттирувчи миллий-маданий ўзига хос томонларини аниқлашнинг энг қулай усули” (2, 6–9), сифатида баҳолайди.

Эркин ассоциатив методга кўра информантлар томонидан — ўзбек ва испан тили соҳибларига аниқ кўрсатмалар бериш орқали *умуминсоний қадриятлар* концепти ёзилган анкета ва иштирокчилардан шу концепт ортида биринчи бўлиб пайдо бўлган олтига тушунчани ёзиш сўралди.

Ўзбекистон ва Испания аҳолиси ўртасида ўтказилган лингвоассоциатив тажриба кизиқарли хулосалар чиқаришга имконини берди.

Ўтказилган эксперимент нафақат *қадриятлар* ва *умуминсоний қадриятлар* тушунчасининг психологик маъносини очиш имконини берди, балки тажриба давомида олинган субъектив изоҳлар таҳлили концептнинг яхлит таркибини аниқлашга шароит яратди.

Шуни таъкидлаш лозимки, кўп ҳолларда тажриба иштирокчилари ёйиқ таърифлар беришган, кўпгина жавобларда ўзининг идрок қилиш тарзини тушунтириш ва асослаш мақсадида тажриба иштирокчилари киёслардан, тушунчаларни ифодалашда метафоралар, фразеологизмлар, мақол ва маталлардан фойдаланганлар.

Ўзбеклар ва испанлар қадриятлари тизимига диннинг таъсири аниқланди, чунки дин кўп асрлар давомида бу халқлар маданиятининг бир қисмига айланиб улгурган: қадрият сифатида *Худо, муқаддаслик, мўминлик, пок ниятлик, эзгулик каби ассоциативлар* санаб ўтилган.

Ўтказилган сўровномалардан *бахт, меҳр ва муҳаббат, сева билиш, меҳрга лойиқлик каби тушунчалар* икки халқ маданиятида қадр топгани ойдинлашди. Уй ва оила билан боғлиқ нарсалар, шубҳасиз, қадрият ҳисобланади: *оила, фарзанд, тинчлик* шулар жумласидандир.

Ўзбек халқида умумийинсоний қадриятларга *иймон, инсоф-диёнат, вафо, ҳаё* каби тушунчалар муҳим саналади, дейиш мумкин. *Қадр-қиммат* тушунчаси икки халқ ўртасида турлича ассоциацияни уйғотиши маълум бўлди.

Испан респондентлари учун молиявий барқарорлик асосий ўринда турса, ўзбек респондентлари инсонлар ўртасидаги қадр-қиммат гавдаланади.

Албатта, *дўстлик, меҳр-муҳаббат, ёрдам, раҳмдиллик, шараф* этнолингвомаданий мансублигидан қатъи назар, барча респондентлар томонидан санаб ўтилди, лекин ўзбек миллати вакиллари кўпроқ умуминсоний қадриятлар сифатида инсоний фазилатлар: *олийжаноблик, ҳамдардлик, виждонлилик, камтарлик, жасорат, мардлик, ҳалоллик* каби умуминсоний фазилатларни қадрият сифатида келтирганлар.

Испан респондентлари томонидан демократик жамият қадриятлари *тенг ҳуқуқлилик, бирдамлик, демократия, эркинлик, тенглик* каби тушунчалари келтирилган.

Испанлар учун *қулайлик, тинчлик, тинч жой* ҳаёт сифати нуқтаи назаридан муҳим.

Ўзбек миллати вакиллари *инсоний муносабатларга* урғу беради: *меҳр бера олиш, дўстлаша билиш, ҳурмат, никоҳ, оилавий муносабатлар, ота-онага ҳурмат, қариндошлик ва қўшничилик муносабатлари* кабиларни қадрлайдилар.

Шунингдек, испан маданияти соҳибларининг *севги* ва *ҳиссиёт тушунчаларини юқори даражада* қадрият сифатида қабул қилиши кузатилди.

Испанларнинг субъектив дефинициялаш жараёнидаги қадрият тушунчасининг тушунчавий қатлами қуйидаги компонентлар билан тақдим этилган: умуминсоний инсоний фазилатлар *огир-босиқлик, сабр-тоқат, меҳрибонлик, бағрикенглик, сабр, шионч, шукроналик, раҳмдиллик, ақл, содиқлик, вазминлик, юмшоқлик, ўзаро ҳурмат* (унинг *анъаналарига, урф-одатларига, маслагига ва ҳоказо.*), *бошқага тенг ҳуқуқли инсон сифатида муносабатда бўлиш; бефарқлик; қатъият/қатъий эркинлик, фикрлаш мустақиллиги, тенглик, дўстлик, биродарлик, бирдамлик, тинчлик* ва бошқалар.

Ўзбек миллати вакиллари учун қадрият концептининг семантик қатлами қуйидаги компонентлардан таркиб топган: инсоний фазилатларга *сабр-тоқат, меҳрибонлик, бағрикенглик, сабр, имон, эътиқод, шионч, ор, номус, шукроналик, раҳмдиллик, меҳр, ота-онага ҳурмат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, ўзаро ҳурмат, анъаналарга, урф-одааларга ҳурмат, дўстлик, биродарлик, бирдамлик, тинчлик...*

Эксперимент натижаларининг таҳлили испан ва ўзбек лингвомаданиятларида умумий жиҳатлар кўплигини кўрсатди. Миллатидан қатъи назар, улар *дўстлик*, *тинчлик*, *фарзандларни* қадрлайдилар. Ҳар икки халқ дўстлашиш, бировга меҳр кўя олиш, ёрдам бериш қобилияти ҳаётимизни бойитади, деб ҳисоблайдилар. Умуман, инсонга хос фазилатларни сўзсиз қадрият сифатида баҳолайдилар.

Таъкидлаш жоизки, испан ва ўзбек маданияти соҳибларининг умуминсоний қадриятларни тушунишида умумий жиҳатлар устувор. Шу билан бирга лингвоассоциатив эксперимент натижаларига кўра, испан ва ўзбекларга хос дунёнинг миллий-лисоний манзарасини тавсифловчи ассоциативларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ўзбеклар учун давлат, миллий нуқтаи назардан муҳим бўлган нарсалар қадрли (*республика*, *мустақиллик*, *маҳалла*, *қариндош-уруғчилик*, *миллий манфаат*, *ғурур* ва ҳоказо). Алоҳида таъкидлаш жоизки, *маънавият* ҳам ўзига хос бўлган миллий қадрият сифатида идрок этилади.

Моҳиятан, ўзбек лисоний репрезентациясида қадриятларнинг яна бир семантик гуруҳини *маънавий қадриятлар* ташкил этади. Шу ўринда *моддий қадриятлар* (қандайдир қийматга эга бўлган барча предметлар) ҳам ўз ўрнида семантик гуруҳни шакллантирган.

Таъкидлаш муҳимки, *умуминсоний қадрият* доирасида амалга оширилган эксперимент ўзбек миллатида *қалб*, *маънавият*, *имон*, *инсоф* каби қадриятларнинг турли мазмуний таркиби ҳақида сўз юритиш имконини беради.

Испан лисоний онгида маънавий қадриятлар (*valores espirituales*), қалб (*alma*), маънавият (*espiritualidad*) олий қадриятлар билан боғланмайди; респондентлар ушбу тушунчаларнинг дин, диндорлик, католик мазҳабига тааллуқлилигини таъкидлаганлар. Олий қадриятлар сифатида кўплаб ассоциативлар айтиб ўтилди, уларни “инсоний фазилатлар” гуруҳида бирлаштириш мумкин: *шараф* — *honor*, *ҳалоллик* — *objetividad*, *виждонлилик* — *conciencia*, *ўйлаб иш қилиш* — *hacer algo bien pensada*, *дўстлик* — *amistad*, *самимият* — *honradez*, *софдиллик* — *bondad* ва бошқалар. Шуниси қизикки, айрим респондентлар томонидан олий қадрият сифатида *Bolsa*, *propiedad* (биржа, капитал, мулк) кўрсатиб ўтилган.

Испан респондентларининг жавобларидан қуйидаги қадриятларнинг мазкур миллат ҳаётида муҳим ўрин эгаллашини кузатиш мумкин: *honestidad* — *тўғрилиқ*, *sensibilidad* — *софлик*, *gratitud* — *шукроналик*, *humildad* — *кўникиш*, *итоаткорлик*, *prudencia* — *эҳтиёткорлик*, *respeto* — *ҳурмат*, *responsabilidad* — *жавобгарлик*, *бурч*. Юқорида келтирилган қадриятлардан *humildad* — *итоаткорлик*, *prudencia* — *эҳтиёткорлик*, *respeto* — *ҳурмат*, *responsabilidad* — *жавобгарлик*, *бурч* тушунчалари, айниқса, қонунчиликка, умуммиллий қонун-қоидаларга нисбатан қўлланилган.

Ўзбек тилида сўзлашувчи инсонларнинг олий қадриятлари сифатида *маданият*, *маънавий қадриятлар*, *оила*, *қалб*, *яқинлар*, *иймон*, *инсоф*, *виждон* каби тушунчалар айтиб ўтилган.


Испан лисоний жамиятининг асосий қадриятлари сифатида *respeto* — *ҳурмат*, *amor* — *севги*, *libertad* — *озодлик*, *justicia* — *адолат*, *tolerancia* — *бағрикенглик*, *equidad* — *адолат*, *paz* — *тинчлик*, *honestidad* — *тўғрилиқ* кабилар ажратиб кўрсатилади. Мазкур аксиологик устувор йўналишлар миллий характернинг қуйидаги

хусусиятларини белгилайди: *тинчликсеварлик, бағрикенглик, қонунга итоаткорлик, ҳуқуқ ва бурчларини англаш* ва ҳоказо.


Ўзбек лисоний жамиятининг асосий қадриятлари сифатида *ватанга муҳаббат, меҳнаткашлик, ўзаро ёрдам, катталарга ҳурмат, бағрикенглик, ота-онага ҳурмат, қўни-қўшничилик* кабилар ажратиб кўрсатилади. Мазкур аксиологик устувор йўналишлар миллий характернинг қуйидаги хусусиятларини белгилайди: *тинчликсеварлик, мўмин-қобиллик, бағрикенглик, келишиши ва муроса қилишига мойиллик* ва ҳоказо.

Ўтказилган эмпирик тадқиқот натижаларига кўра, ҳар икки маданиятга хос бўлган умуминсоний қадриятлар концептуал майдони даражаси қуйидагича акс этади.

4-жадвал. Испан лингвомаданиятида умуминсоний қадриятлар.



5-жадвал. Ўзбек лингвомаданиятида умуминсоний қадриятлар.




Ўтказилган эксперимент нафақат *умуминсоний қадриятлар* концептининг психологик маъносини очиш имконини берди, балки


тажриба давомида олинган субъектив натижалар таҳлили концептнинг концептуал майдонини аниқлаш имконини берди.

Ҳар икки миллат вакиллари учун маданиятнинг ажралмас қисмига айланган диний қадриятнинг ўрни муҳим эканлиги маълум бўлди. Қадрият сифатида, энг аввало, *Худо/Аллоҳ, муқаддаслик, мўминлик, савоб, покниятлилик, эзгулик, сабр* ва бошқа шу каби категорияларнинг мавжудлиги фикримизни далиллайди. Қуйида чизмаларда қадриятларнинг испан ва ўзбек халқига хос фарқли ассоциативлари келтирилди:

Испанларга хос концептлар



Ўзбекларга хос концептлар



Ўзбек респондентларида умуминсоний қадриятларнинг асосий тушунчаларидан бири бўлган *инсон* категорияси билан боғлиқ *имон, инсоф, диёнат, вафо, ҳаё, камтарлик, раҳмдиллик* каби тушунчалар нисбатан кўпроқ таъкидлангани аниқланди.

Испан респондентлари жавобларида молиявий-иқтисодий барқарорликнинг муҳим аҳамият касб этиши, унинг ўзбек респондентларига нисбатан қўлланилиш частотасининг юқори эканлиги билан изоҳланди.

Испан респондентлари томонидан демократик қадриятларга оид тушунчалар, жумладан, *тенг ҳуқуқлилик, бирдамлик, демократия, эркинлик, тенглик* каби ассоциативлар келтирилган. Испан респондентлари жавобларида вақт категориясининг *қулайлик, тинчлик, тинч жой, саёҳат, дам олиш* каби тушунчалар билан изоҳланиши гедонистик ёндашувнинг испанлар учун хос бўлган ҳаётий эҳтиёж эканлиги далилланди.

Ўзбек респондентлари *инсоний муносабатларни оила, ота-онага ҳурмат, қариндошчилик ва қўшничилик муносабатлари билан* боғлайдилар, жумладан жавобларда никоҳ ассоциативининг алоҳида таъкидланиши ушбу қадриятнинг ўзбек миллати учун муҳим аҳамият касб этишини тасдиқлайди.

Шунингдек, испан маданияти соҳибларининг *севги* ва *ҳиссиёт тушунчаларини юқори даражада* қадрият сифатида қабул қилишлари кузатилди.

Эксперимент натижаларининг таҳлили испан ва ўзбек лингвумаданиятларида умумий жиҳатлар кўплигини кўрсатди. Миллатидан қатъи назар, ҳар икки халқ вакиллари *дўстлик, тинчлик, фарзандларни* қадрлайдилар. Умуман, инсонга хос эзгу фазилатларни қадрият сифатида баҳолайдилар.

Шу билан бирга ассоциатив эксперимент натижаларига кўра испан ва ўзбекларга хос дунёнинг миллий қадриятли лисоний манзарасини тавсифловчи ассоциативларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Испан лисоний жамиятининг асосий қадриятлари сифатида *respeto — ҳурмат, amor — севги, libertad — озодлик, justicia — адолат, tolerancia — бағрикенглик, equidad — тенглик, paz — тинчлик, honestidad — тўғрилиқ, билим, табассум қилиш, юмишқлик, содиқлик, дўстлик* кабилар ажратиб кўрсатилади. Мазкур аксиологик устувор йўналишлар миллий характернинг қуйидаги хусусиятларини белгилайди: *тинчликсеварлик, бағрикенглик, қонунга итоаткорлик, ҳуқуқ ва бурчларини англаш...*

Ўзбек лисоний жамиятининг асосий қадриятлари сифатида *ватанга муҳаббат, меҳнат, ўзаро ёрдам, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, бағрикенглик, сабр, иймон, эътиқод, ор-номус, шукроналик, раҳмдиллик, ота-онага ҳурмат, қўни-қўшничилик, савоб* кабилар ажратиб кўрсатилади. Мазкур аксиологик устувор йўналишлар миллий характернинг қуйидаги хусусиятларини белгилайди: *тинчликсеварлик, мўмин-қобиллик, бағрикенглик, келишиши ва муроса қилишига мойиллик* ва ҳоказо.

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос бўлган турмуш тарзи ва дунёқараши асосида объектив қадриятлар тизимида ижтимоий стереотиплар сабабли инсон онги ва тафаккури этник жиҳатдан шартлидир. Буларнинг барчаси тилларни хариталаш жараёнларига бевосита таъсир қилади ва турли даражадаги миллий лисоний олам тасвири хусусиятларни ўз ичига олади.

Таҳлиллар натижасида умуминсоний қадриятлар концепциясининг асосий тамойилларини қуйидагича белгилаш мумкин:

- қадриятларнинг умумий сони кўп эмас;
- барча инсонлар жамият аъзоси сифатида бир хил қадриятларга эга, лекин уларнинг намоён бўлиши даражаси турлича;
- қадриятлар бир тизимга уюшган.

Испан ва ўзбек маданиятининг қадрият йўналишлари тизимида *оила* марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўзбек оламининг миллий тасвирида “оила” *яқинлар, қариндошчилик, ота-она, ака-ука, опа-сингил муносабатлари, қариндошлик ва қўшничилик муносабатларини* ўз ичига олади. Испан оламининг миллий манзарасида “оила” торроқ маънода қабул қилинади.

Шу тариқа, сўзнинг субъектив маъноси таркибини аниқлаш учун ўтказилган тажриба-синов дефиницион ва компонент таҳлиллар чоғида аниқланган таҳлил қилинаётган тушунчаларни шакллантирувчи ва умуминсоний қадриятларни тиллараро мутаносиб/ номутаносибликларини ажратиб кўрсатиш имконини беради. Шуни ҳам таъкидлаш муҳимки, бу мураккаб, кўпқиррали тушунча унга нисбатан шахсий муносабат орқали ўтган ҳамда испан ва ўзбек этносларининг маданий-тарихий хотирасига боғлиқ ҳолда конструктив лисоний тушунчага айланган.

Умуминсоний қадриятлар ижтимоий онгда инсоният наслига хос қадриятлар шаклида ва аниқ тарихий идеал қадриятлар образида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, умуминсоний қадриятларнинг таркиби вақт ўтиши билан ўзгаради ва шунинг учун у муайян тарихий даврдаги муайян жамият ҳаёти билан белгиланади.

Хулоса. Тилда умуминсоний қадриятларнинг лингвомаданий хусусиятини тадқиқ этишда типологик ёндашувнинг зарурияти — замонавий тилшуносликда методологик ўзгаришлар, илм-фан асосий парадигмасининг алмашинуви, яъни анъанавий тилшуносликдан тилни инсон, унинг онги ва тажрибавий иш фаолияти билан боғлиқ ҳолда ўрганадиган когнитив, лингвомаданиятшунослик ва антропологик тилшуносликка ўтиш билан боғлиқ ҳолда юзага келди.

Когнитив ва маданиятлараро ёндашувлар тилшунослик тадқиқотларига фаол татбиқ этилаётган бир пайтда, уларни умуминсоний қадриятлар тизимида тадқиқ этиш замонавий тилшуносликнинг долзарб вазифасига айланди. Тил ва маданият тушунчалари лингвомаданиятшуносликнинг асосий объекти бўлиб, турли хил маданиятларнинг лисоний тасвирини ўрганишда асосий қуроли сифатида у ёки бу маданиятнинг концептуал моҳиятини очиб беришга хизмат қилади.

Концептуал таҳлил испан ва ўзбек жамиятига хос умуминсоний қадриятлар концептуал моделини шакллантириб, икки халқ лисоний олами тасвирининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини очиб беришга хизмат қилди. Умуминсоний қадриятлар инсон онгида шаклланиб, унинг билими, тафаккури ва дунёқарашига кўра борлиққа нисбатан концептуал қарашини ифодалайди. Билим, вақт, макон, зарурат, тил, эҳтиёж, дин, инсон, менталлик, сиёсат, маданият умуминсоний қадриятларни шакллантирувчи муҳим компонентлар ҳисобланади.

Испан ва ўзбек миллатининг аксиологик онгида умуминсоний қадриятлар тизимини аниқлаш мақсадида ўтказилган ассоциатив эксперимент натижаларини умумлаштириб, натижаларнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичига кўра умуминсоний қадриятлар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар аниқланди. Оила, ватан, меҳнат, бағрикенглик, дўстлик, меҳмондўстлик тушунчалари ҳар икки миллат учун олий қадрият сифатида талқин қилиниши кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ахренов А. В. Испанский язык Венесуэлы: языковая картина мира // Вестник Московского государственного областного университета. Сер. лингвистика. — 2009. — № 3. — С. 56–62.
2. Архипова С.В. Ассоциативный эксперимент в психолингвистике // Вестник Бурятского университета. — 2011 — № 11. — С. 6–9.
3. Бахронова Д.К. Антропозооморфизмларнинг лингвокультурологик ва семантик хусусиятлари: фил.ф.б.ф.д. дис. — Т., 2017. — 157 б.
4. Бекмуродов М. Миллий менталитет ва маънавият. — Т., 2002.
5. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. — М.: Изд-во иностр. лит., 1955. — 416 с.
6. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. — Т.: Шарқ, 1998. — 160 б.
7. Иовенко, В. А. Национальное мировидение в двуязычной коммуникации // Вестник Московского государственного института международных отношений. — 2013. — № 4 (31). — С. 303–311.
8. Кавинкина И.Н. Проявление гендера в речевом поведении носителей русского языка. — Гродно: ГрГУ, 2007. — 153 с. — URL: http://ebooks.grsu.by/kavinkina_gender/1-3-3-assotsiativnyj-eksperiment.htm.
9. Корнилов О. А. Языковые картины мира как производные национальных менталитетов. — М., 2003. — 347 с.
10. Лебедева, Н.М. Базовые ценности русских на рубеже XXI века // Психологический журнал. — М., Т. 21, № 3, 2000. — С. 73–87.
11. Леонтьев А.А. Основы психолингвистики. — М.: Смысл, 1999. — 287 с.
12. Мишина Т.В. Концептуальное осмысление ментальности // Вестник ЧитГУ. — 2009. — № 5 (56). — С. 210–214.
13. Маслова В.А. Лингвокультурология. — М.: Академия, 2001. — 202 с.
14. Николаенко С.В. Социальные общеславянские ценности в аспекте методики обучения русскому языку // Вестник Российского университета дружбы народов. Серия: русский и иностранные языки и методика их преподавания. — 2015. — № 4 — С. 90–97.
15. Умурзоков О.П. Умуминсоний кадриятлар: миллий анъана ва урф-одатлар такомиллашмоёда. // Ўзбекистонда иштимойи фанлар, 1992. № 2.
16. Синячкин В. П. Общечеловеческие ценности в русской культуре: лингвокультурологический анализ. Дисс. ... д-ра филол. наук. — М., 2011. — 646 с.
17. Тарасов Е.Ф. Актуальные проблемы анализа языкового сознания // Языковое сознание и образ мира. Сборник статей / Отв. ред. Н.В. Уфимцева. — М., 2000. — С. 24–33. — URL: http://www.ilingran.ru/library/psylingva/sborniki/Book2000/html_204/1-3.html.
18. Романова Т.В. Категория модальности в свете когнитивной лингвистики // Вопросы когнитивной лингвистики. — 2006. — № 1. — С. 29–35.
19. Юсупов Е.Ю. Кадриятлар ва уларнинг жамият хаётидаги ахамияти. — Т.: 1994. // URL: <https://arxiv.uz/ru/documents/referatlar/pedagogik-psixologiya/kadriyatlar-ularning-zhamiyat-haetidagi-urni>

20. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2018. 5-жилд. — 592 б.
21. Rokeach, M. The nature of human values/M. Rokeach — New York, 1973. 438 p.

References

1. Akhrenov A. V. *Vestnik Moskovskogo gosudarstvennogo oblastnogo universiteta*, Ser. lingvistika, 2009, No. 3, pp. 56–62.
2. Arkhipova S.V. *Vestnik Buryatskogo universiteta*, 2011, No. 11, pp. 6–9.
3. Bakhronova D.K. *Antropozoomorfizmlarning lingvokul'turologik va semantik khususiyatlari* (Linguoculturological and Semantic Features of Anthropozoomorphisms), Doctor's thesis, Tashkent, 2017, 157 p.
4. Bekmurodov M. *Millii mentalitet va ma'naviyat* (National Mentality and Spirituality), Tashkent, 2002.
5. Balli Sh. *Obshchaya lingvistika i voprosy frantsuzskogo yazyka* (General Linguistics and Questions of the French Language), Moscow: Izd-vo inostr. lit., 1955, 416 p.
6. Imomnazarov M. *Millii ma'naviyatimiz nazariyasiga chizgilar*, Tashkent: Shark, 1998, 160 p.
7. Iovenko, V. A. *Vestnik Moskovskogo gosudarstvennogo instituta mezhdunarodnykh otnoshenii*, 2013, No. 4 (31), pp. 303–311.
8. Kavinkina I.N. *Proyavleniye gendera v rechevom povedenii nositelei russkogo yazyka* (Manifestation of Gender in Speech Behavior of Russian Speakers.), Grodno, 2007, 153 p, available at: http://ebooks.grsu.by/kavinkina_gender/1-3-3-assotsiativnyj-eksperiment.htm.
9. Kornilov O. A. *Yazykovye kartiny mira kak proizvodnyye natsional'nykh mentalitetov* (Linguistic Pictures of the World as Derivatives of National Mentality), Moscow, 2003, 347 p.
10. Lebedeva, N.M. *Psikhologicheskii zhurnal*, Moscow, vol. 21, No. 3, 2000, pp. 73–87.
11. Leont'ev A.A. *Osnovy psikholingvistiki* (Fundamentals of Psycholinguistics), Moscow: Smysl, 1999, 287 p.
12. Mishina T.V. *Vestnik ChitGU*. 2009№ 5 (56), pp. 210-214.
13. Maslova V.A. *Lingvokul'turologiya* (Linguoculturology), Moscow: Akademiya, 2001, 202 s.
14. Nikolaenko S.V. *Vestnik Rossiiskogo universiteta družby narodov. Seriya: russkii i inostrannye yazyki i metodika ikh prepodavaniya*, 2015, No. 4, pp. 90–97.
15. Umurzogov O.P. *Uzbekistonda ishtimoi fanlar*, 1992, No. 2.
16. Sinyachkin V. P. *Obshchechelovecheskie tsennosti v russkoi kul'ture: lingvokul'turologicheskii analiz* (Universal Values in Russian Culture: Linguoculturological Analysis), Doctor's thesis, Moscow, 2011, 646 p.
17. Tarasov Ye.F. *Yazykovoye soznaniye i obraz mira*. Sbornik statei, Moscow, 2000, pp. 24-33, available at: http://www.iling-ran.ru/library/psylingva/sborniki/Book2000/html_204/1-3.html.
18. Romanova T.V. *Voprosy kognitivnoi lingvistiki*, 2006, No. 1, pp. 29-35.
19. Yusupov E.Yu. *Kadriyatlar va ularning zhamiyat khaetidagi akhamiyati*, Tashkent, 1994, available at: <https://arxiv.uz/ru/documents/referatlar/pedagogik-psixologiya/kadriyatlar-ularning-zhamiyat-haetidagi-urni>

20. *Uzbek tilining izoqli lugati* (Annotated dictionary of the Uzbek language), Tashkent, 2018, vol. 5, 592 p.

21. Rokeach, M. (1973), *The Nature of Human Values*, New York, 1973, 438 p.